Албатта, Аллоҳ азза ва жалла сизларни ўз оталарингиз билан қасам ичишингиздан қайтармоқда

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, Аллоҳ азза ва жалла сизларни ўз оталарингиз билан қасам ичишингиздан қайтармоқда», -дедилар. Умар разияллоҳу анҳу: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарганларини эшитганимдан бери атайин ёки бошқа одамдан нақл қилиб бирор марта (оталар билан) қасам ичмадим», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло оталар билан қасам ичишдан қайтарганини хабар бердилар. Ким қасам ичмоқчи бўлса, фақат, Аллоҳ билан қасам ичсин ва У Зотдан бошқа билан қасам ичмасин. Сўнгра Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу ҳадисни эшитганларидан бери атайин ёки бошқанинг қасамини нақл қилиб бирор марта қасам ичмаганликларини айтиб бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/2945